

الثالث: عن عائشة رضي الله عنها قالت: ما صلى رسول الله عليه وسلم صلاةً بعد أن ترلت عليه {إذا جاء نصر الله والفتح} إلا يقول فيها: «سبحانك ربنا وبحمدك، اللهم اغفر لي». [خ 4967، م 484/219].

وفي رواية في «الصحيحين» عنها: كان رسول الله صلى الله عليه وسلم يكثر أن يقول في تكوعه وسجوده: «سبحانك اللهم ربنا وبحمدك، اللهم اغفر لي» يتأول القرآن. [خ 817، م 484].

معنى: «يتأول القرآن» أي: يعمل ما أمر به في القرآن في قوله تعالى: {فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ وَاسْتَغْفِرْهُ}. [خ 4967، م 484/219].

وفي رواية لمسلم: كان رسول الله صلى الله عليه وسلم يكثر أن يقول قبل أن يموت: «سبحانك وبحمدك، أستغفرك وأتوب إليك». قالت: قلت: يا رسول الله؛ ما هذ الكلمات التي أراك أحذتها تقولها؟ قال: «جعلت لي علامة في أمتي، إذا رأيتها قلتها {إذا جاء نصر الله والفتح} إلى آخر السورة». [م 484/218].

وفي رواية له: كان رسول الله صلى الله عليه وسلم يكثر من قول: «سبحان الله وبحمده، أستغفر الله وأتوب إليه». قالت: قلت: يا رسول الله، أراك تذكر من قول: سبحان الله وبحمده، أستغفر الله وأتوب إليه؟ فقال: «أحبني ربى أني سأرى علامة في أمتي، فإذا رأيتها أكثرت من قول: سبحان الله وبحمده، أستغفر الله وأتوب إليه؛ فقدم رأيتها: {إذا جاء نصر الله والفتح} فتح مكة، {ورأيت

النَّاسَ يَدْخُلُونَ فِي دِينِ اللَّهِ أَفْوَاجًا، فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ وَاسْتَغْفِرْ إِنَّهُ كَانَ تَوَابًا { . [484/220]

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига «Вақтики, Аллоҳнинг нусрати ва фатҳ келса»[1] нозил қилингандан сўнг бирорта намозларини «Субҳаанака Робанаа ва биҳамдик. Аллооҳуммағfir лии», демай ўқимадилар».*

* Дуонинг маъноси: «Роббимиз! Сени ҳамдинг ила поклайман. Аллоҳим! Мени мағфират қил!»

Муттафақун алайҳ.

«Саҳиҳайн»да келган бошқа бир ривоятда:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръонни таъвил қиласорқ, рукуъ ва саждаларида: «Субҳаанакаллоҳумма, Робанаа ва биҳамдик. Аллооҳуммағfir лии», деб кўп айтар эдилар».

Имом Муслимнинг бир ривоятида:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан олдин «Субҳаанака ва биҳамдика, астағфирука ва атуубу илайка»ни кўп айтадиган бўлиб қолдилар. «Эй Аллоҳнинг Расули! Сиз айта бошлаган ушбу калималар нима?» дедим. У зот шундай дедилар: «Умматимда менга бир аломат қилинди, қачон шуни кўрсам, уларни айтяпман: «Аллоҳнинг нусрати ва фатҳи келса...»[2] деб суранинг охиригача ўқидилар.

* Маъноси: «Ҳамдинг ила Сени поклаб ёд этаман, Сендан мағфират сўрайман ва Сенга тавба қиласман».

Имом Муслимнинг бошқа яна бир ривоятида:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳи, астағфируллоҳа ва атуубу илайҳ», деб кўп айтардилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, «Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳи, астағфируллоҳа ва атуубу илайҳ» деб кўп айтапсиз-а?» дедим. У зот шундай дедилар: «Роббим тез орада умматимда бир аломат кўришимни хабар қилди. Қачон ўшани кўрсам, «Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳи, астағфируллоҳа ва атуубу илайҳ»ни кўп айтаман. Дарҳакиқат, мен уни кўрдим: «Аллоҳнинг нусрати ва фатҳ - Макка фатҳи - келса ва одамларнинг Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб кирганини кўрсанг, Роббингга ҳамд ила тасбеҳ айт ва Ундан мағфират сўра. Албатта, У тавбаларни кўплаб қабул этувчиидир». [3]

* Маъноси: «Аллоҳни ҳамди ила поклаб ёд этаман, Аллоҳга истиғфор айтаман ва У Зотга тавба қиласман!»

[1] Наср сураси, 1-оят.

[2] Наср сураси, 1-оят.

[3] Наср сураси, 1 - 3-оятлар.

Манба: hadis.islom.uz

